

Одилов Шохрух Ғайратжонович,  
Ахборот коммуникация техноло-  
гияларини ривожлантириш ва  
интерактив давлат хизматлари  
бошқармаси бошлиғи, иқтисодиёт  
фанлари бўйича Phd, доктор

### **Аҳолини рўйхатга олишнинг долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари**

*Ушбу мақолада аҳолини рўйхатга олишнинг тарихий босқичлари ўрганилган, айрим йилларда нима учун аҳолининг ўсиш даражаси паст бўлганлиги асослаб берилган. Узоқ йиллардавомида аҳолини рўйхатга олиш жараёни тўхтатиб қўйилганининг сабаблари, шунингдек, рўйхатга олиш жараёнида аҳолининг қайси қатлами рўйхатга олинади, қайси қатлами эса рўйхатга олинмаслиги кўрсатилган. Мақола сўнггида аҳолини рўйхатга олишни самарали ташкил этиш бўйича илмий таклифлар берилган.*

*В данной статье отражены исторические этапы переписи населения. Обоснование почему в некоторые годы количество населения выросло, а в отдельные годы имели тенденции снижения. Почему долгое время не проводилась перепись населения и показаны причины приостановления. Указаны в каких слоях населения должно обязательно пройти перепись населения, а в некоторых слоях нет необходимости. В конце статьи даны научные предложения, которые должны служить для успешного и эффективного проведения переписи населения.*

*This article reflects the historical stages of the population census. Justification: in some years the number of the population has grown, and in some years it has had a downward trend. Why in many years there was no registration of the population and the reasons for the suspension are shown. It indicates which population strata must necessarily pass the census, and some strata do not need to pass. At the end of the article, scientific recommendations are given that should serve for the successful and effective conduct of the population census.*

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритган дастлабки пайтлардан бошлаб мамлакат ривожланиши ва такомиллаштирилишининг пойдевори ҳисобланган тармоқлар иқтисодиётини жадал ривожлантиришга киришилди ва бу жараён давр талабига мос равишда изчил давом эттиришқди. Хусусан, режали иқтисодиёт ва маъмурий бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, ижтимоий йўналтирилган бозор

муносабатларига эвалюцион йўллар билан кириб борилди. Пировардида, давлат мулкининг бир қисмини сақлаб қолган ҳолда, хусусий мулкка асосланган хўжалик минглаб субъектлари пайдо бўлди. Шунингдек, хорижий инвестицияларга асосланган қўшма корхоналар барпо этилди.

Бундай ўзгаришлар туфайли, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиши билан бир қаторда, мамлакатни дунё ҳамжамияти ҳам алоҳида давлат сифатида эътироф эта бошлади. Буни мамлакатимизда хорижий мамлакатларнинг, хорижий мамлакатларда республикамизнинг элчихона ва консуллик хизматлари ташкил этилгани тасдиқлаб турибди.

Тармоқлар иқтисодиётидаги барча вазирлик, қўмита ва соҳаларга назар ташлайдиган бўлсак, қарийб барчасида давр талибга мос равишда ижобий ўзгаришлар, ислохотлар изчил амалга оширилганлигига гувоҳи бўламиз. Бу соғлиқни сақлаш соҳасими, таълим тарбия соҳасими, транспорт, ҳуқуқ тарғибот ишлари, меъёрий ҳужжатларда ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Шунингдек, кам харжат қилиб юқори ижтимоий-иқтисодий самарага эга бўлишга хизмат қиладиган ахборот-коммуникацион технологилар ва шу каби республикада фаолият юритаётган барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар ҳамда силжишлар намоён бўлган. Буни эътироф этмасликнинг умуман иложи йўқ.

Лекин олиб борилган барча ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг жадал ривожланишига ва манзилли ислохотлар олиб боришга яқиндан хизмат қиладиган ва зарур статистик маълумотлар билан ўз вақтида таъминлайдиган манбани ташкил этиш узоқ йиллар эътибордан бутунлай четда бўлиб келди. Зеро, жаҳон ҳамжамиятга аъзо бўлган, мақоми ва ривожланишидан қатъи назар ҳар бир мамлакатда ҳар ўн йилда камида бир маротаба ташкил этилган ва олиб борилган аҳолини рўхатдан ўтказиш фаолияти бизда кейинги 30 йил мобайнида ташкил этилмади. Натижада, бугунги кунда айрим салбий кўрсаткичлар намоён бўлаётганлигига гувоҳи бўлиб турибмиз.

Зотан, мамлакатда иқтисодий имконият ва мутахассилар илмий салоҳияти етарли бўлишига қарамай, нима учун узоқ йиллар давомида республикамизда аҳолини рўйхатдан ўтказиш тадбири амалга оширилмаганлигини тафтиш қилиш фикридан йироқдамиз, албатта. Мазкур мақоланинг бош мақсади, яқин истиқболда режалаштирилган аҳолини рўйхатдан ўтказиш чора-тадбирлари ва тайёргарлик ишлари ҳақида илмий мушоҳада юритиш ҳисобланади.

Нафақат мамлакат, балки бутун бир минтақа, минтақа ортида дунё ривожланиши учун зарур, объектив маълумотлар билан холис таъминлашга яқиндан хизмат қиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири республикамизда охириги маротаба, у ҳали совет иттифоқи таркибида бўлган 1989 йилда

ўтказилган эди. Кейинги йилларда БМТ бир неча мартаба тавсиялар беришига қарамай, бундай тадбир ўтказилмади. Фикримизча, бу мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига фақат зарар келтирди, холос.

Кейинги 3 4 йил мобайнида, Президент раҳномолигида мамлакатнинг барча тармоқ ҳамда соҳаларида кенг ва инқилобий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва экологик ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг исботини қуйидаги статистик маълумотлардан ҳам билиш қийин эмас: “Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди. Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди”.<sup>1</sup>

Ҳақиқатдан ҳам бизда етарлича иқтисодий ва инсон салоҳияти бўлишига ва 1995 йиллардаёқ Марказий Осиё давлатлари ичида биринчилар қатори Фонд биржаси ишга тушишига қарамай, хорижий мамлакатларда облигацияларни жойлаштириш бўйича Марказий Осиёда кейинги ўринларда қолиб кетган эдик (*Қозғистон ва Тожикистон Республикалари муқаддам хорижий мамлакатларда жойлаштиришган*). Лекин, ижтимоий соҳада катта-катта ютуқларга эришилмоқда. Бунга хусусан, олий таълим муассасларининг очилиши, давлат мулкидан ташқари бўлган хусусий ва аралаш мулк шаклидаги мактабгача таълим муассаслари, ўрта мактаб ва техникумлар очилиши яққол мисол бўлиб турибди.

Юқорида қайд этилган ютуқлар билан бирга, республикада мустақилликдан кейин илк мартаба аҳолини яхлит рўйхатдан ўтказишга бағишланган меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилиниб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти ва муттасади ходимлари қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Аввало, меъёрий ҳужжат ҳақида фикрлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5655- сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармоннинг 5-бандида “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин”<sup>2</sup>, деб алоҳида кўрсатилган.

Шу боис, айтиш мумкинки, мамлакатимизда бугунги кунда аҳолини рўйхатга олишга асос бўладиган бир қатор меъёрий ҳужжатлар бўлиб, шулардан асосийлари Жумладан қуйидагилар ҳисобланади:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015 йил 10 июндаги «2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар» резолюцияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5655- сонли фармони.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартда қабул қилинган «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонунни.

Зеро, аҳолини рўйхатга олиш 2022 йилда режалаштирилган бўлса-да ҳозирлик ишлари анчадан буён кенг кўламда олиб борилмоқда. Хорижий мамлакатлар амалий тажрибасидан маълумки, аҳолини рўйхатга олиш кенг қамровли бўлиб, юқори билим, ўз навбатида, кўп миқдордаги меҳнат ресурслари ва молиявий маблағ талаб этиладиган мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Шу боис бизда ҳам аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан кейин бу жабҳадаги ишлар жадаллашиб, изчил давом эттирилмоқда.


Жараён мураккаблигини ҳис этган ҳолда, аҳолини рўйхатга олиш муқаддам қандай амалга оширилган ва қандай натижаларга эришилгани ҳақида қисқача тўхталамиз. Проф. Н. Хайдаровнинг фикрича, “Аҳолини рўйхатга олиш дастлаб цивилизация ривож топган қадимги Мисрда, Афинада, Римда ва Хитойда шаклланган, кейинчалик, Европа мамлакатларида ҳам йўлга қўйилган. Россияда Пётр I томонидан аҳолига жон боши солиғи 1718 йилда жорий этилган. Шу даврдан бошлаб унинг аҳолини рўйхатга олиш борасидаги фармонлари чиқа бошлаган. Ушбу фармонлар билан мамлакатда яшайдиган

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5655- сонли фармони. Халқ сўзи, 2019 йил 6 февраль.

эркакларни ҳам алоҳида рўйхатга олиш белгиланган. Шу орқали мамлакатнинг ҳарбий имконияти қандай бўлиши ҳақида ҳам муайян маълумотга эга бўлинган”<sup>3</sup>. Муаллиф фикрига қўшилган ҳолда яна шуни айтиш мумкинки, бунда алоҳида давлатларнинг ҳарбий имконият билиш билан бир қаторда, бизнингча, мамлакат ғазнасига солиқ тўловчи субъектларни ҳам аниқлаш имконияти мавжуд бўлган.

Қуйида ҳозирга қадар Ўзбекистон ҳудудида ўтказилган тадбирлар ҳақидаги маълумотни ўрганиб, таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Демография ва меҳнат статистикаси бошқармасидан олинган маълумотларга мувофиқ, аҳолини рўйхатга олиш тарихи қуйидаги кўриниш кечган(1-расм) .



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини рўйхатга олиш тарихи<sup>4</sup>

<sup>3</sup> Хайдаров Н.Х. Аҳолини рўйхатга олиш жамият ва шахс учун нима беради? “Соғлом авлод учун” журнали, 2019 йил октябрь 10-сон.

<sup>4</sup> Бердикулов Қ.Ф. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг мамлакат таракқиётидаги роли. Тошкент 2020 йил, Олий Мажлис депутатларига тақдимоти.

1-расм маълумотларидан маълум бўлмоқдаки, Ўзбекистон Республика сифатида мақом олгандан кейин, яъни 1926 йилдан то 1990 йилларга қадар олти маротаба аҳолини руйхатга олиш тадбири амалга оширилган. 1926 йилда ўтказилган тадбирда мамлакат бўйича аҳолининг умумий сони 4,6 миллион кишини ташкил этган. 1939 йилда амалга оширилган аҳолини руйхатга олиш жараёнида мамлакат аҳолисининг умумий сони 6,3 миллион нафарни ташкил этиб, бу тадбир муқаддам ўтказилган даврдагига нисбатан, яъни 13 йил давомида 1,7 миллион кишига ёки 137,0 фоизга кўпайган. Ордан роппа-роса 20 йил ўтгандан кейин, яна 1959 йилда аҳолини руйхатга олиш тадбири амалга оширилган. Бу даврда жами аҳоли 8,1 миллион нафарни ташкил этган.

Куришиб турибдини, ушбу давр мобайнида аҳоли 1,8 миллион кишига кўпайган. Ваҳоланки олдинги давр, яъни 13 йил ичида 1,7 миллионга ошган бўлса, бу гал орадан 20 йил ўтган бўлса-да, аҳолининг ўсиш даражаси 1,8 миллионга тенг бўляпти. Бизнингча, бунга таъсир этган бош омил иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ҳисобланади. Ушбу урушда мамлакатимиздан ҳам, кейинги маълумотларга қараганда, қарийб 2,0 миллион киши иштирок этиб, уларнинг 1/3 бир қисми ўз она юртига қайтиб келмаган. 1970; 1979 ва 1989 йилларда республика аҳолиси мос равишда 11,8; 15,4 ва 19,7 миллион кишини ташкил этган. Аҳоли 1959 йилда гига нисбатан 1970 йилда 146,0 фоизга, 1970 йилдагига нисбатан 1979 йилда 3,6 миллион кишига ўсган бўлса, 1989 йилда 1979 йилдагига нисбатан, 28 фоизга.

Аҳоли руйхатга олишнинг дастлабки даври, яъни 1926 йилдагига нисбатан охирги давр, яъни 1989 йилда 15,1 миллион ёки 429,0 фоизга кўпайган. Бундан умумий хулоса шуки, ўтган давр мобайнида аҳолининг сони эволюцион тартибда ортиб борган. Нисбатан паст ўсиш 1939 -1959 йилларда бўлган бўлса, нисбатан юқори ўсиш 1970 - 1979 йилларга тўғри келмоқда.

Ўтган даврда аҳолининг тез ўсишига салбий таъсир этган бош омил иккинчи жаҳон урушининг бошланиши бўлган. Бунда иттифоқ бўйича қарийб 30 миллионга яқин аҳоли йўқотилган. Бунинг ўрнини тезда тўлдириш мақсадида 1946 йилда иттифоқ миқёсида инсонларни ижтимоий таҳқирлайдиган солиқ “Фарзандсизлик солиғи(налог на бездетность)” жорий этилган. Унга кўра, турмуш қуриб, 23 ёшдан ошган, лекин фарзанди бўлмаган аёллар ва уйланиш уйланмаслигидан қатъи назар 25 ёшдан ошган эркаклар фарзанди бўлмаса иш ҳақининг 6,0 фоизи миқдорида солиқ тўлашган. Ушбу

солиқ 1990 йииларга келиб, бекор қилинган. Зеро, ижтимоий таҳқирлайдиган солиқ бўлса-да, лекин аҳоли сонининг ошишига яхшигина таъсир қилган.

Юқорида қайд этганимиздек, мамлакатимизда 2020 йилда аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги қонун илк бор қабул қилинди. Унга бинан кўйидагилар рўйхатга олишнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш мақсадида аҳоли таркибидаги, мамлакат демографик вазиятидаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш;

- шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг, меҳнат ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узок, ўрта ва қисқа муддатли прогнозларини ҳамда дастурларини тайёрлаш;

- аҳолини рўйхатга олишлар оралиғидаги даврда аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш;


- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш<sup>5</sup>.

Шунингдек, қонунда аҳолини рўйхатга олишни бир неча босқичларда амалга ошириш белгилаб қўйилган. (2-расм)

Иккинчи босқич, аҳолининг рўйхатга олишнинг ўзак қисми бўлиб, у 10 кундан 60 кунгача бўлган даврни қамраб олади. Вақт қисқа бўлса-да энг оғир жараён айнан мана шу давр мобайнида амалага оширилади. Яъни рўйхатга олувчи мутахассислар мамлакатдаги ҳар бир хонадонга шахсан бориб, рўйхатга олиш жараёнини амалга ошириш зарур бўлади. Оғир дейишимизга сабаб шундаки, мамлакат аҳолисининг ҳаммаси ҳам бир вақтнинг ўзида бундай тадбирга руйхушлик беравермайди. Яъни уйда бўлмайди, бўлган тақдирда ҳам эшигини очмайди ёки тўлиқ маълумот беришга ожизлик қилади. Бу каби қоллаётлар ишнинг силлиқ кетишига салбий таъсир кўрсатади.

---

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонун. 2020 йил 16 март.



## 2-расм. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш босқичлари<sup>6</sup>

Учинчи босқич, ташкилий масала бўлиб, у ҳам 2-3 йил вақтни талаб этади. Бунга кўп вақтнинг сарфланишига олинган маълумотларнинг тўғрилигини ўрганиш ва таҳлил этиш кераклиги сабаб бўлади. Дарҳақиқат маълумотлар қанчалик тўғри ва тиниқ бўлса, истиқболда макродаражадаги қарорлар қабул қилиш шунчалик аниқ манзилли бўлишига эришилади. Акс ҳолларди маълумотлар аниқлик бўлмайди. Бу эса макродаражадаги аниқ қарорлар қабул қилинишига, оқибатда қанчадан қанча молиявий маблағлар бухуда сарфланишига сабаб бўлади. Шунингдек, меҳнат сарфи беҳуда кетишга асос бўлади.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, мамлакатда миллати, фуқаролиги, дини ва ирқидан қатъи назар, яшаб ва истиқомат қилиб турган умумий аҳолининг бир қисми рўйхатга олинади ва бир қисмини рўйхатга олиш зарурати йўқ. (3-расм)

<sup>6</sup> Бердикулов Қ.Ф. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг мамлакат тараққиётидаги роли. Тошкент-2020 йил Олий Мажлис депутатларига тақдимоти.





**3-расм. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнида рўйхатга олинадиган ва рўйхатга олинмайдиган шахслар<sup>7</sup>**

3- расм маълумотларидан маълум бўляптики, аҳолини руйхатга олишни шартли равишда иккига руйхатга олинадиган шахслар ва руйхатга олинмайдиган шахсларга ажратилган. Рўйхатга олинадиган шахсларни ўзи куйидаги шартли тўртта груҳга ажратилган:

1. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи барча Ўзбекистон Республикаси фуқаролари. Ушбу қатлам ҳақида ортиқча таъриф бериб ўтиришга ҳожат йўқ, шундоқ ҳам кўриниб турибдики, мамлакатда руйхат(прописка)да бўлган барча шахслар ҳақида маълумот олинади.

2. Чет эл сафрида бўлган шахслар. Бу қатлам хилма-хил ва ранг-ба-ранг бўлиб, унга кирувчиларни руйхатга олиш энг мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, хорижда бўлишнинг ҳам хилма-хил сабабалари мавжуд. Хизмат сафари бўйича чет элга кетиш ҳозир жуда авж олган бўлиб, тадбиркорларнинг анчагина қисми савдо шартномалари тузиш бўйича хорижга боришади. Иккинчи бир қатлам давлат ташкилотларидан хорижга бориб, анжуманларда иштирок этиш ва ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаш каби ҳолатлар ҳам кенг тарқалган тадбирлардан ҳисобланади.

<sup>7</sup> Бердикулов Қ.Ф. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг мамлакат тараққиётидаги роли. Тошкент-2020 йил Олий Мажлис депутатларига тақдимоти.

Таълим олишга кетганлар. Бу қатлам ҳам анчагина бўлиб, ҳозирги кунда норасмий маълумотларга кўра, 100 мингдан ортиқ талаба ва ўқувчи чет элларда таҳсил олишмоқда. Аҳоли руйхатга олинмаган давр айнан ўқиш даврига тўғри келганлиги боис, бу қатламни ҳам руйхатга олиш бироз мураккаблик туғдиради.

Дам олишга кетганлар. Аҳолининг умумий турмуш тарзи яхшилиниши ва йил сайин реал даромади ошиши чет элда дам олиш кўламини кенгайтириши табиий ҳол. Ундан ташқари аҳолини руйхатга олиш даври айна куз фаслига тўғри келганлиги боис, дам олувчилар сони янада ортиш эҳтимоли юқори.

Даволанувчилар. Зеро, мамлакатда соғлиқни яхшилашга катта эътибор қаратилишига қарамай, айрим касаллик турларини даволаш ишлари бўйича хорижий мамлакатлардагидан анча ортдамиз. Айна шу мавсумий хасталиклар айнан кузда бошқа даврларидагига қараганда бир оз кўп бўлиш эҳтимолидан ҳоли эмас.

Меҳмонга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари. Бу қатлам ҳам кўп ёки кам бўлишига таъсир этадиган бош омил турмуш тарзининг яхшиланиши ва реал даромад ўсишига бевосита боғлиқ.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ёки ўқиш мақсадида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Бу қатламни руйхатга олиш учалик мураккаб бўлмайди. Чунки, биздаги олий таълим муассааларида хориждан келиб таҳсил олаётганлар кўлами унча кўп эмас. Шунингдек, хорижликларга фуқаролик олиш имкониятлари енгиллаштирилгани боис, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кўлами ҳам йилдан йилга камайиб бормоқда.

4. Уйсизлар. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикаси аҳолини уй билан таъминлаш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Айниқса, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуслари билан қурилаётган минглаб арзон уйлар мамлакатда уйсизлар кўламини кескин камайитишга қулай шароит туғдирмоқда. Лекин бу борадиги муаммо шундаки, вилоятлардан келиб, хусусий корхоналарда ишлаётган, вақтинча ер тўлаларда яшайдиган аҳоли қатлами ҳам мавжуд. Уларни руйхатга олиш муайян чигалликларни туғдириш мумкин. Бу борада ҳам манзилли чоралар кўриш зарур.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда аҳолини руйхатга олиш учун етарли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунингдек, Давлат

статистика қўмитаси мутассадилари томонидан бир қатор тарғибот ва ташвиқот ишлари оммавий ахборот воситалари(телевидение, радио, газета ва анжуманлар) орқали тизимли олиб борилмоқда. Лекин шунга қарамай, қўшимча равишда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилса, аҳолини руйхатга олиш жараёни кам ҳаржатли ва юқори самарали бўлишига яқиндан ёрдам беради. Жумладан:

- аҳолини руйхатга олиш жараёнини тарғиб ва ташвиқ қилишда Давлат статистика қўмитаси мутассади ходимлари билан бир қаторда, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, интернет сайтлар ва блогерлар иштирокини кенгайтириш керак;

- мутассади ходимларни яқин вақтлар ичида қўшни мамлакатларда амалга ошириладиган аҳолини руйхатга олиш тадбирида иштирок этиш учун хориж сафарига юборишни ташкил этиш, улар у ерда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни ҳам ўрганиб келишилари лозим;

- аҳолини руйхатга олишнинг янги замонавий механизмларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда кам инсон ресурслари иштирок этиб, юқори самара берадиган воситалардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, аҳолини руйхатга олишнинг муқаддам амалга оширилган тўлиқ қоғоз вариантдан воз кечиб, АКТ воситаларидан уйғунликда самарали фойдаланишни йўлга қўйиш керак;

- аҳолини руйхатга олиш даврида фуқароларимиз кўп бўлиши мумкин бўлган хорижий давлатлар билан маълумот алмашиш чора-тадбирларини белгилаб олиш лозим. Хусусан, ҳозирги кунда фуқароларимиз энг кўп чиқадиган давлатлар: Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси, Туркия давлати Корея ва Хитой Халқ Республикари. Айни шу давлатлар билан маълумот алмашиш механизмларини ишлаб чиқишга зудлик билан киришиш лозим.

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 2020 йил 25 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳақидаги фармони. 2017 йил 7 февраль.
3. «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонун. 2020 йил 16 март.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5655-сонги фармони. 2019 йил 5 февраль.
5. «О всемирной программе переписи населения и жилищного фонда раунда 2020 года» Резолюция, принятая Экономическим и Социальным Советом 10 июня 2015 года.
6. Хайдаров Н.Х. Аҳолини рўйхатга олиш жамият ва шахс учун нима беради? “Соғлом авлод учун” журнали. 2019 йил октябрь, 10-сон.
7. Бердикулов Қ.Ғ. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг мамлакат тараққиётидаги роли. Тошкент-2020 йил Олий Мажлис депутатларига тақдимоти.
8. <http://www.demoscope.ru> .
9. <http://www.gazeta.uz> .